

ЮШГАН ЖИНОЯТЧИЛИК ТУШУНЧАСИ ВА УНГА ҚАРШИ КУРАШНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10442643>

Рахимов Нариман Иброхимович

Ўзбекистон Республикаси ИИВ ТҚД,

Тезкор қидириүв хизмати бошлигининг ўринбосари, полковник

Аннотация

Мақолада уюшган жиноятчиликнинг тушунчаси, турлари ва ўзига хослиги, унга қарши курашишининг халқаро ҳуқуқий нормалари ва уларни такомиллаштириши юзасидан турли олимларнинг фикрлари, шунингдек уюшган жиноятчиликка қарши курашишининг айрим жиҳатлари ёритиб ўтилган.

Калит сўзлар

Уюшган жиноятчилик, трансмиллий, давлат, жиноят, уюшган гурӯҳ, уюшма, фикр, тушунча, ҳамкорлик.

Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ва сиёсий соҳада амалга оширилаётган барча ислоҳотлар ўз моҳиятига қўра инсон манфаатларини ҳар томонлама таъминлашга қаратилгандир. Жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида амалга оширилаётган давлат сиёсати ҳам инсон манфаатларини ҳимоя қилишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев «Биз Ўзбекистонда олиб борилаётган давлат сиёсатининг марказида инсон ва унинг манфаатларни таъминлашни устувор вазифа деб белгиладик» [1], – деб таъкидлаганлар.

Аммо шунга қарамай мамлакатимизда инсон манфаатлари учун олиб борилаётган туб ислоҳотларга тўқсинглик қилувчи салбий омиллар ҳам мавжуд бўлиб, бундай омиллардан бири уюшган жиноятчилиkdir.

Уюшган жиноятчилик шуниси билан хавфлики, у жиноятчиликнинг ҳар қандай турида мавжуд, яъни ҳар қандай жиноятчилик якка ҳолда ва уюшган ҳолда содир этилиши мумкин. Шу сабабли, уюшган жиноятчиликка таъриф беришдаги ёндашишларни ягоналаштириш асосий вазифалардан бири ҳисобланади.

Уюшган жиноятчилик тушунчасига турли давлатларда ва турли тадқиқотчилар томонидан турлича таърифланиб келинмоқда. Шу сабабли

мазкур муаммони ўрганишда асосий масалалардан бири "уюшган жиноятчилик" тушунчасига тўғри тариф бериш ҳисобланади. Уюшган жиноятчилик тушунчасига тўғри тариф бериш орқали биз ушбу муаммога қарши курашишга тўғри ёндошимиз мумкин.

Уюшган жиноятчилик тушунчаси ёритиш учун дастлаб уни ўзига хос хусусиятлари ва аломатларини ёритиш, кейинчалик эса уни содир этилиш усулларини аниқлаштириш лозим бўлади. Бу эса бизга уюшган жиноятчилик бошқа жиноятчиликдан нимаси билан фарқ қилинишини кўрсатиб беради.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ушбу муаммонинг муҳимлигини таъкидлаб, уюшган жиноятчиликни "инсоният учун янги чақириқ ва таҳдидлар"дан бири деб ҳисоблайди [2].

2000 йил 15 ноябрда БМТнинг "Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши кураш тўғрисида" конвенцияси имзоланиб қабул қилинган ва мазкур конвенция 2003 йил 30 август қуни Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган ҳамда Ўзбекистонда 2004 йил 8 ноябрь қуни қонуний кучга кирган.

Ушбу конвенциясида [3] "уюшган жиноятчилик"нинг тушунчасига алохида таъриф берилмаган бўлсада, Конвенциянинг 2-моддаси уюшган жинойӣ гурухнинг таърифини ўз ичига олади ва унинг белгиларини очиб беради унда "уюшган жинойӣ гурух" - маълум вақт давомида мавжуд бўлган ва бир ёки бир нечта оғир жиноятларни ёки ушбу Конвенцияга мувофиқ деб топилган ҳуқуқбузарликларни содир этиш, бевосита ёки билвосита, молиявий ёки бошқа моддий манфаат олиш мақсадида биргаликда харакат қиласиган уч ёки ундан ортиқ шахслардан иборат тузилган гурух деб таъриф берилган.

Ушбу таъриф "трансмиллий уюшган жиноятчилик" тушунчасига таъриф бериш учун асос бўлиб, унинг белгиларини санаб ўтиш орқали Конвенциянинг 3-моддасида келтирилган ва жиноят трансмиллий хусусиятга эга эканлигини кўрсатади, агар:

- а) бир нечта давлатларда содир этилган бўлса;
- б) у бир давлатда содир этилган бўлса, лекин уни тайёрлаш, режалаштириш, бошқариш ёки назорат қилишнинг муҳим қисми бошқа давлатда амалга оширилади;
- в) бир давлатда жинойӣ гурух (жамоа) томонидан содир этилган бўлиб, ўз жинойӣ фаолиятини бир неча мамлакатларга тарқатган бўлса;
- д) у бир давлатда содир этилган бўлса, лекин унинг асосий оқибатлари бошқа давлатда содир бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят қонунчилигини таҳлил қиласиган бўлсак, бирон бир ўзбекистон Республикасининг қонунларида уюшган жиноятчиликка таъриф берилмаган. Аммо жиноят кодексининг 29-моддаси 4-қисмида: "Икки ёки ундан ортиқ шахснинг биргаликда жиноий фаолият олиб бориши учун олдиндан бир гурухга бирлашиши уюшган гурух деб топилади" ва 5-қисмида "Икки ёки ундан ортиқ гурухнинг жиноий фаолият билан шуғулланиши учун олдиндан бирлашиши жиноий уюшма деб топилади", деб уюшган гурух ва ва жиноий уюшмаларнинг таърифи берилган [4].

АҚШ қонунчилигида уюшган жиноятчиликни «қимор бизнеси, фохишабозлик, судхўрлик, гиёхванд моддалар савдоси, меҳнат муносабатлардаги рэкет ва бошқаларни ўз ичига олган (аммо фақат бу билангина чекланиб қолмайдиган) ноқонуний товарларни етиштириб берадиган ва ноқонуний хизматлар кўрсатадиган юқори даражада шаклланган қаттиқ тартиб-интизомга риоя қиласиган, конспиратив, жамоа (ассоциация) аъзоларининг қонунга зид фаолият, деб кўрсатилган [5].

Германия полиция мутахассислари уюшган жиноятчилик яъни, "...бир неча (кўпчилик) шахсларнинг жиноий (жазоланадиган) ҳаракатлар содир этишга қаратилган кўп ҳолларда замонавий инфратузилмалардан фойдаланиш орқали иложи борича қисқа муддатларда катта даромад қозониш мақсадида кўзланган меҳнат тақсимотига асосланган, ғаразли, онгли равишда, узок муддат давом этувчи биргаликдаги фаолияти" деб таъриф берганлар [6].

Ҳукуқшунос олим В.Д.Малковнинг фикрига кўра, уюшган жиноятчилик уюшган жиноятларнинг ажралмас мажмуудир, чунки бу алоҳида жиноятлар гурухли, уюшган бўлиши мумкинлиги [7] таъкидлаб ўтилади.

Ҳақиқатдан ҳам уюшган жиноятчиликни маълум бир жиноят тури сифатида кўриш нотўғри бўлади. Чунки жиноятчиликнинг ҳар қандай тури уюшган гурух томонидан содир этилиши мумкин ва бундай ҳолда уюшган жиноятчилик сифатида қаралади. Яъни гиёхвандлик, терроризм, экстремизм, товламачилик, талончилик, иқтисодий жиноятлар ва бошқа бир қатор жиноятларга уюшган ҳолда содир этилса уюшган жиноятчилик сифатида қаралади.

И.В. Годунов уюшган жиноятчиликни "жиноий йўллар билан бойиш мақсадида жиноий ва касбий асосда қўплаб жиноятлар содир этиш кўринишидаги доимий ҳарактердаги уюшган жиноий фаолиятдан иборат салбий ижтимоий ҳодиса" деб хисоблаган [8].

Юқорида келтириб ўтилган уюшган жиноятчиликка таърифлардан фикримча Уюшган жиноятчилик – маълум бир соҳа ёки халқаро миқёсда доимий равишда жиноятлар содир этиш орқали моддий манфаат кўриш, жинойӣ гурух аъзоларининг аниқ вазифалари олдиндан режа асосида тақсимланган, иерархик тузилишга эга бўлган, жиноий ташкилотдир.

Умуман олганда жиноятчиликнинг энг хавфли турларидан бири бу уюшган жиноятчилик бўлиб, жиноятчиликнинг бу тури хар қандай давлатни ва унда яшаётган фуқароларни хавфсизлигига таҳдид соладиган асосий хавфлардан бири хисобланади. Шу сабабдан хар қандай давлат томонидан уюшган жиноятчиликни таг томири билан йўқ қилиш бўйича кескин чоралар белгиланмас экан, мазкур давлатда фуқароларнинг ҳукуматга нисбатан ишончсизлиги ортиб боришига ҳамда давлатда коррупция, давлат ва фуқаролар мулкини талон тарож қилиниши каби салбий ҳолатлар қучайиб кетишига ва бунинг оқибатида давлат бошқарув тизими таназзулга учрашига олиб келади.

Аксарият ҳолларда уюшган жиноятчилик гоявий ёки сиёсий мақсадларни олдига қўймайди. Улар ҳукуматни эгаллашга ҳам интилмайдилар, балки ҳукумат вакилини ўзларига содик бўлиши ёки ўзларининг жиноий фаолиятларига тўсқинлик қилмасликлари учун уларни “сотиб олишга” интиладилар.

Бугунги кунда уюшган жиноий гурухларнинг асосий мақсади моддий фойда топишдан иборат бўлиб, улар ўзларининг жиноий фаолиятларидан олинган даромадлари орқали фуқаролар орасида обрӯ эътибор қозонишга эришиб, ўзларининг турли масалаларни ҳал қилишда имкониятларини юқори эканлигини кўрсатишга уринадилар.

Жиноят оламида танилган уюшган жиноятчилик вакиллари ўзларини ҳашаматли уйларда, қимматбаҳо автомашиналарда юришлари ва шу орқали турли тадбирларда фуқаролар орасида кўзга ташланиб юришлари билан ажralиб туриб, орттирган обрӯлари орқали фуқаролар орасидаги турли олди берди ва бошқа муаммоларни қўча ечимлари орқали ҳал қилиб эвазига улуш олиб келишлари бугунги кунда кўп учрамоқда.

Айнан шу хусусиятлар кўпчилик ёшлиарни уларга интилишларига ва уларга ўхшаб осон пул топиб ном қозонишлари интилишларига сабаб бўлмоқда.

Ёшлиар томонидан дастлабки этапларда ўзларининг тенгдошлари ёки яшаш ҳудудларидаги тенгдошлари орасида кўзга кўринишга ёки обрӯ

топишга интилишлари орқали турли хукуқбузарликларни содир этишлари орқали жиноят оламига кириб келиш ҳолатлари учрамоқда.

Бунда ёшлар томонидан гурух бўлиб бирлашишлари ва оқибатда гурухбозлик жиноятларини содир этилишига олиб келиш ҳолатлари учрамоқда.

Уюшган жиноятчиликка қарши самарали курашиш давлатдаги хукуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

Бирон бир хукуқни муҳофаза қилувчи идоранинг ёки бирон бир давлатни якка ҳолда уюшган жиноятчиликка қарши курашиши ўзининг самарасини бермайди. Чунки уюшган гурухлар ўзларининг жиноий фаолиятларини амалга оширишда хорижий давлатлардаги шериклари ёки давлат ичидаги бошқа гурухлар билан ўзаро ҳамкорликни йўлга қўядилар ва бу ҳолларда якка ҳолда харакатланиш самарасиз ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтганда, бугунги кунда уюшган жиноятчилик қамрови ва қўламига қўра ҳам географик ҳам иштирокчилар сонига қўра тобора кенг қулоч ёймоқда. Шунинг учун, хукуқни муҳофаза қилувчи идоралар томонидан уюшган жиноятчиликка қарши курашишда давлат бошқарувининг барча ўзига хос ахамиятга эга ташкилотлари ва уларнинг мансабдор шахслари билан, шунингдек хорижий давлатларнинг хукуқни муҳофаза қилувчи идоралари ва ҳалқаро ташкилотлар билан ушбу йўналишда кенг қамровли ҳамкорликни йўлга қўйиш, мавжуд ҳамкорлик самарадорлигига эришиш учун турли усул ва воситлалардан кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон ҳалқига Мурожаатномаси. 2022 йил 20 декабрь. <https://president.uz/uz/lists/view/5774>.

2. Доклад Группы высокого уровня по угрозам, вызовам и переменам ООН «Более безопасный мир: наша общая ответственность», 2004.

4. Ўзбекистон Республикасининг кодекслари. I жилд. – Т.: “Адолат” хукуқий ахборот маркази, 2018. – 672 б.

5. Закон США 1968 года о контроле над преступностью и безопасностью на улицах (англ. Omnibus Crime Control and Safe Streets Act) даёт другое определение. (Организованная преступность. Под ред А.И.Долговой, С.В.Дьякова. М: 1993. С 146-147.

6. Осипкин В.Н. Организованная преступность.-СПб.,1998. С. 13.

7. Малков В. Д. Криминология: Учебник / Под ред. М., 2004.

8. Годунов И.В. Транснациональная организованная преступность в России. Атореф.8 дис... д-ра юрид. наук. Рязань, 2002. С. 24.

Таштемиров А. А. Ахборот технологияларидан фойдаланиб содир этилган фирибгарликни фош этишда тезкор ходимларнинг терговчи ва суриштирувчилар билан ҳамкорлигининг айрим жиҳатлари //Central Asian Research Journal for Interdisciplinary Studies (CARJIS). – 2022. – Т. 2. – №. 12. – С. 156-164.

9. Таштемиров А. А. Техник криминалистик экспертиза - ахборот технологиялари орқали содир этиладиган жиноятларни фош этишнинг асосий омили сифатида //O'zbekistonda fanlararo innovatsiyalar va ilmiy tadqiqotlar jurnali. – 2023. – Т. 2. – №. 21. – С. 12-19.

10. Таштемиров А. А. Ахборот технологиялари орқали содир этиладиган жиноятларни фош этишнинг ҳуқукий ва ташкилий жиҳатлари //World of Science. – 2023. – Т. 6. – №. 6. – С. 169-175.

11. Тоштемиров А. А. Некоторые аспекты изучение модели управлеченческой деятельности в органах внутренних дел. – 2022.

12. Таштемиров А. А. Ахборот технологиялари орқали содир этилган фирибгарлик жиноятларига қарши қурашиб самарадорлигига эришишнинг ҳуқукий ва ташкилий жиҳатлари //Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук. – 2022. – Т. 2. – №. 12 Special Issue. – С. 35-40.

13. Таштемиров А. А., Калауов С. А. Йўл ҳаракати хавфсизлиги ривожланиш концепциясининг истиқболлари ва киберхавфсизлигини таъминлаш зарурати //barqarorlik va yetakchi tadqiqotlar onlayn ilmiy jurnali. – 2022. – Т. 2. – №. 8. – С. 245-250.

14. Таштемиров А. А. и др. Ижтимоий тармоқлар орқали содир этилаётган жиноятларга қарши қурашиб чора-тадбирлари //Models and methods for increasing the efficiency of innovative research. – 2023. – Т. 2. – №. 21. – С. 24-31.

15. Таштемиров А. А. Фирибгарликка имкон берувчи шарт-шароитлар ва ушбу турдаги жиноятларга тайинланадиган жазо тизимининг ўзига хослиги //Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук. – 2022. – Т. 2. – №. 10 Special Issue. – С. 42-48.

16. Таштемиров А. А. Йулларда ҳаракатланишни тартибга солишнинг ҳуқукий жиҳатлари ва бу борада технологиянинг ахамияти

//siyosatshunoslik, huquq va xalqaro munosabatlar jurnali. – 2022. – Т. 1. – №. 2. – С. 111-115.

17. Таштемиров А. Кибержиноятчилик ва унинг ўзига хос шаклланиш даврлари //Общественные науки в современном мире: теоретические и практические исследования. – 2023. – Т. 2. – №. Maxsus son. – С. 133-139.